

ҚОЗОҚ ХАЛҚИНИНГ БУЮК ОҚИНИ

XIX асрнинг иккинчи ярмида ажойиб лирик асарлар, монументал поэмалар, насихатлар қолдирган Абай Қунонбоев, оғир ўтмиш зулмати ичра чексиз аэоб-укубатларни бошидан кечирган истеъдод соҳибидир.

У ҳозирги Семипалатинск вилоятига қарашли Чингизтоғ этакларига жойлашган Тубикти уругидан бўлиб, 1845 йилнинг 10 августига дунёга келди. Ўн ёшга етгунча йирик феодал бўлган отаси — Қунонбой билан катта онаси Зеранинг қўлида тарбияланади. Сунг ўз овулидаги муллалардан бошланғич маълумот, Семипалатинск шаҳридаги мадрасада эса мулладан сабоқ олади. У шу ердаги «Приходская школа» деб номланувчи рус мактабида ҳам уч ой таҳсил қўради.

Абай ижтимоий турмушдаги қарама-қаршиликларни ўз кўзи билан кўриб, адолатсизликка, мансабпарастликка нафрат билан қарайди. Покликни, иноқликни, адолатни орзу қилади. Ўз отаси Қунонбойнинг халққа кўрсатган баъзи бир жабр-зулмига қарши чиқиб, унинг адолатсизликларини кескин танқид остига олади. Натижада у адолат байроғини баланд кўтарувчи халқпарвар бўлиб етила бошлайди.

Абай Семей шаҳридаги мадрасада ўқиб юрган пайтларида Шарк шоирлари Низомий, Навоий, Хужа Хофиз, Бедил, Бобур кабиларнинг асарларини ҳам мутолаа қилган. Рус мактабида ва кейинчалик ўзи изла-

ниб жаҳон адабиёти ҳазинасидан баҳраманд бўлган. Бу эса сарҳодаги қозоқ халқи орасида бўлаётган адолатсизликларни, зиддиятларни, дов жанжалларни тўғри англашда, уларга адолат кўзи билан қарашда катта замин бўлиб хизмат қилади.

Абай 1884-1885 йилларга келиб, ҳар томонлама билимдон, хассос шоир бўлиб етишди. Унинг дунёқарашни шаклланиб, ҳаётда бўлаётган катта-катта ўзгаришларга, зиддиятларга танқидий кўз билан қаровчи улкан оқин бўлди.

Шоирнинг қўлига астойдил қалам олиб, теранга тебраниши ўттиз беш-қирқ ёшларига тўғри келади. У ўзининг «Улан» номли шеърида:

*Улан — сўзнинг пошшоси,
сўз сараси,
Қийиндан қийилтирар эр
доноси.*

*Тилга енгил, юракка илиқ
тегиб,
Топ-текис, силлиқ келсин
айланаси.*

*Сараланмай булганса сўз
ораси,
Бу-оқиннинг билимсиз-
бечораси.*

*Ҳам оқин, ҳам тингловчи
қўпи нодон:*

*Сўз танимас бу юртнинг
бир бораси.*

(Миртемир таржимаси)

деб, ҳақ гапни очиқ айтади. Дарҳақиқат, Абайнинг шеърий ижодиёти қирқ ёшга етгач, авж олиб, барқ уради. У қалбидаги мунгли зорини ёшларга, халққа қарата очиқ айтиб, буюк инсоний фазилатларни ҳаммадан устун деб билади.

Донишманд шоир ўз поэтик асарлари билан уғит-насихатларида адолатни, одабийликни, соф муҳаббатни, покликни ҳаммадан юқори қўйди. У ўзининг насрий асарларида: «Инсонни ҳароб қиладиган учта нарса бор, шундан қочиш керак», — дейди ва унинг биринчиси деб нодонликни тилга олса, иккинчиси деб эринчоқликни айтади, учинчиси золимлик, дейди. Ҳаммасига алоҳида тўхталиб, баҳо беради. Масалан, «нодонлик — бу киши билимининг йўқлиги, усиз дунёни тушуниб бўлмайди, Билимсизлик эса — ҳайвонликдир, деса, эринчоқлик — бу дунёдаги бутун билим ва хунарнинг ёвуз душманидир. Танбаллик, уятсизлик, қашшоқлик каби иллатлар шундан келиб чиқади», — дейди.

Абай ўзининг инсонпарварлик гояларини илгари сурувчи поэтик дурдоналарида халқни, китобхонларни ўйлашга, фикр юритишга чорлайди. Қўлига қалам олиб, шеърий асарлар ёзганда «Утган — кетгани термоқ учун эмас», балки,

*Юрагида ўти бор, тили
ширин,*

*Авлодга бир сабоқ
бермоқ учун*

ёзганлигини тилга олади.

Ўрни келганда шу нарсани алоҳида эслатиш лозимки, Абай буюк оқин, катта санъаткор — композитор, таржимон, файласуф, улкан жамоат арбоби бўлиб етишувига, асосан унга уч мактаб катта таъсир этган. У аввало ўз миллий адабиётининг мўл ҳазинаси бўлса, иккинчиси — Шарк мумтоз адабиётининг ажойиб дурдоналари, учинчиси эса — Оврупо адабиётининг шоҳ асарлари бўлди. Шулардан олам-олам завқ олган Абай XIX асрнинг иккинчи ярмидаги қозоқ шеъриятининг машъалига айланади.

Унинг таржимасида қозоқ китобхонлари А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, И. А. Крилов асарларини ўз она тилларида мароқ билан севиб ўқиш имконига эга бўлдилар. Айниқса унинг «Евгений Онегин» шеърий романидан қилган таржимаси Татьянанинг хатлари қозоқ сарҳосида алоҳида ўрин эгаллади.

Хуллас, қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси, буюк мутафаккир шоир, моҳир таржимон, ажойиб композитор, улкан жамоат арбоби Абай қозоқ адабиёти ҳазинасига бебаҳо дурдоналар қўшган улкан истеъдод соҳибидир. Шунинг учун ҳам бу йил ЮНЕСКО қарори билан таваллудининг 150 йиллиги жаҳонда, жумладан, ўзбек диёрида кенг нишонланмоқда.

Қаллибек СЕЙДАНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
қозоқ адабиёти Кенгаши раиси,
«Нурли жол» газетасининг бosh
муҳаррири.